

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ

«ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА» КАФЕДРАСИ

**Малакавий битирув иши**

**Мавзу: «АДАБИЙ ТАНҚИДНИНГ ЭСТЕТИК ТАМОЙИЛЛАРИ  
МУНАҚҚИД ОЗОД ШАРАФИДДИНОВНИНГ ИЖОДИ МИСОЛИДА»**

Кафедра тавсия этади:

**Бажарди:** «Миллий истиқлол ғояси  
фалсафа ва ҳуқуқ асослари» бакалавр  
таълим йўналишининг 4 – курс талабаси  
Д.Ш.Шарофитдинов\_\_\_\_\_

**Илмий раҳбар:** ф.ф.н, доц  
Л.Муҳаммаджонова

Рухсат берилди:

**Такризчи:** доцент  
А.Шеров \_\_\_\_\_

**ТОШКЕНТ – 2008**

## М У Н Д А Р И Ж А

### Кириш

I БОБ Озод Шарафиддинов насрий асарларида адабий танқид.

1.1. Озод Шарафиддинов адабий хаётда ва танқидчилик ривождаги янги мунаққид сифатида.

1.2. «Истеъдод жилолари»нинг адабий танқид жараёнидаги эстетик хусусиятлари.

II БОБ Мустақиллик давридаги яратилган ижодий портретлар (Чўлпон, О.Хожиева, Б.Бойқобилов, Х.Шариповлар портрети. «Ижодни англаш бахти», «Истеъдод жилолари» китобларининг киёсий тахлили асосида)

2.1. Жажжи портретларда ижодкорнинг эстетик киёфаси.

2.2. Шеърят ва адабий танқид

### Хулоса

Фойдаланган адабиётлар руйхати

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Тарихда шундай мухтарам зотлар буладик, улар ўз ички дунёсининг бойлиги, гўзал суръати, хатти харакатининг мазмундорлиги билан халқига хусн ва оро бағишлайди. Бундайлар билан халқ ифтихор қилади. Миннатдор авлодлар улардан ибрат оладилар.

XX асрда халқимиз орасидан етишиб чиқган ана шундай мўътабар сиймолар орасида мен Озод Шарафиддиновни кўраман. Ўзбек адабиётшунослигининг камол топишида таникли олим, мохир публицист, зукко таржимон «Ўзбекистон Қахрамони» Озод Шарафиддиновнинг хизматлари катта.

Озод Шарафиддинов умр давомида 500 тадан ортик илмий – публицистик мақолалар, 150 тага яқин таржималари, 29 та китоб ва 30 тадан зиёд шогирдлар етиштириб чиқган<sup>1</sup>.

Буюк олим жудда серқирра ижодкор. У кейинги пайтларда публицискада кўп ва хўп ишлар қилган адибдир. Уларнинг ижоди фалсафага бой, портрет яратиш борасида тенги йўқ ижодкор, ўзбек танқидчилигига катта хисса қўшган шахс.

Мамлакатимиз миллий истиқлолга эришгач, маънавий – маданий кадриятларга бўлган муносабатлар кўлами ҳам кенгайди. Чунки хар қандай маънавий кадрият даставвал миллий кадриятнинг анъанавий миллий шакли орқали қабул қилинади. Хар бир миллий бадиий шакли доим замон, макон мазмунида улчаб борилади. Бинобарин, шу жихатдан хозирги ўзбек публицистикаси ва портрет жанри масаласи ҳам долзарб масаладир.

Президентимиз бу ҳақда алохида тўхталиб, қуйидагиларни ёзган эди: «Бизнинг анъанавий кадриятларимизни хозирги демократик жамиятнинг адриятлари билан уйғунлаштириш келажакда янада равноқ топишимизнинг, жамиятимизнинг жахон ҳамжамиятига кушилишининг гаровидир.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> *Библиографик курсаткич. О. Шарафиддинов — «Ўзбекистон», 2005 й.*

<sup>2</sup> *Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари. Т., «Шарк» 1997 й, 151-бет*

Ана шу нуктаи назардан, бугунги кунда Озод Шарафиддинов ижоди унинг фалсафий қарашлари орқали миллий анъаналарнинг замонавий кадриятлар билан уйғунлаштирувчи маҳорати мавзунинг долзарблигида очиб берилган.

**Мавзунинг ўрганилганлиги.** Малакавий битирув ишимиз объекти бўлган Озод Шарафиддиновнинг бой ва сермазмун ижоди ҳақида кўплаб тадқиқотлар, мақолалар ёзилган.<sup>1</sup> Уларнинг кўпчилигида мунаққиднинг адабий портрет яратиш йўналишидаги маҳорати алоҳида таъкидланган. Лекин унинг фалсафий – эстетик қарашлари ўрганилмаган. Мавзуни ўрганиш жараёнида Озод Шарафиддиновнинг улкан ижодий устахонасида фақатгина бир неча ижод намуналари орқали унинг мунаққид олим сифатида фикр юритиб, мулоҳазалар келтирдик.

**Мавзунинг янгилиги.** Шу билан бошланадики, Озод Шарафиддинов кенг қамровли ижодкор. Бошқа жихатлар салоҳиятли адабиётшунослар томонидан ўрганилган. Биз Озод Шарафиддиновнинг мунаққид сифатида фалсафий – эстетик қарашлари ўрганилмаганлиги боис уни тадқиқ қилишга ва имкон доирасида мулоҳаза юритишга ҳаракат қилдик.

**Ишнинг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий ишнинг бош мақсади, ўзбеке адабиётида Озод Шарафиддинов ва унинг ижодини ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб келган. Юқорида тилга олинган (эҳтибосда келтирилган) китоблардан ташқари, С. Мамажонов, П. Шермухамедов, С. Олимовлар<sup>2</sup> каби олимларнинг турли даврларда яратган тадқиқодлари фикрларимиз далилидир.

<sup>1</sup> Расулов А. Истеъдод ва эътикод. Т., 2000;

Рахмонов Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Т., 2004, 204-211 бет;

Норматов У. Ярим аср хамнафас, Уз АС. 15 ноябрь 2005й;

Дустқораев Б. Чулпон ва танқид, Уз АС 25 ноябрь, 2005й;

Ҳазинабон, «Матонат ва муҳаббат» тупламида, 24-31 бет;

Содиқов Санжар, Жилолар жозибаси. Ижоднинг уттиз лаҳзаси тупламида. Т., 2005 й 80-85 бет;

Умиров С. Мужизага меҳр «Гулистон» журнали, 1980, №5;

Хошимов У. Аллома. «Матонат ва муҳаббат» туплами. Т., 1999, 140-147 бет;

Орипов А. Шоирқалб олим, уша туплам. 60-61 бет;

Мирпулат Мирзо. Беназир устоз. Уз АС. 16 декабрь 2005 й;

Озод Шарафиддинов. «Замондошлар хотирасида» - «Ўзбекистон», 2007 й;

<sup>2</sup> Мамажонов С. Кайнок муҳаббат, юксак эътикод. «Шарк юлдузи», 1979й, № 4;

Шермухаммедов П. Танқиднинг жозибаси сири. «Шарк юлдузи», 1979й, №4;

Мазкур ишлар Озод Шарафиддинов ижодини бирор қиррасини ёритишга бағишланган бўлиб; уларда унинг фалсафий ахлоқий эстетик жихатлари алоҳида тадқиқ этилмаган. Профессорлар С.Содик, А. Расуловлар ўз тадқиқодларида тўхталиб ўтган. Биз олимнинг «Истеъдод жилолари»<sup>1</sup>, «Ижодни англаш бахти»<sup>2</sup> китобларини қиёслаш асосида фикр юритдик.

**Тадқиқотнинг объекти.** Озод Шарафиддинов серқирра ижодкор. Биз уларнинг катта ижодий хазинасидан учта китобни танлаб олдик, биринчиси, «Истеъдод жилолари» (1976) иккинчиси, «Шоир, Шеър, Шуур» (19 ..) учинчиси, «Замон қалб поэзия» (19 ..)

Олим бир мақоласида «эътиқодимни нега ўзгартирдим»? деб унга илмий изоҳлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, малакавий битирув иш мавзусини ёритиш учун олимнинг шўро даври ижодидан бир нечта намуналар олиб қарашларимизни ифодаладик.

**Битирув малакавий ишнинг илмий методик асоси.** Миллий Истиқлол ғояси буйича эълон қилинган асарлар, шунингдек, А.Расулов, М.Қушжонов, С.Умаров, А.Қушжонов, С.Олимов каби олимларнинг мақола ва китоблари ишимизга илмий-методик асос бўлиб хизмат қилди. Адабий портретлар Истиқлол даври адабиётшунослигида қарор топаётган янги қарашлар асосида ўрганилди.

**Тадқиқотнинг тўзилиши ва таркиби.** Малакавий битирув иши кириш икки боб, хулоса, фойдаланган адабиётлар руйхатдан иборат.

---

Олимов С. Теран томирлар «Уз АС» 1988й, 23 декабрь.

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Т., 1976

<sup>2</sup> Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2004

## **I БОБ Озод Шарафиддинов насрий асарларида адабий танқид.**

1.1 Озод Шарафиддинов адабий ҳаётда ва танқидчилик ривождаги янги мунаққид сифатида.

Санъатдаги эстетик бойликнинг мукаммал ҳис қилгандагина санъат асарини тўғри бахлолай олиш мумкин.

### **Озод Шарафиддинов**

Мустақиллигимиз тобора мустаҳкамланиб, ўзининг самараларини бера бошлаган бугунги кунда халқимиз олдида ҳаётининг моддий ва маънавий асосларидан келиб чиқадиган янги-янги улкан вазифалар турибдики, уларни амалга оширишда адабиёт ва санъатнинг роли бениҳоя каттадир. Бу ходисалар ўз навбатида унинг атокли сўз усталари асарларида илгари сурилган ватанпарварлик, инсонга меҳр ўзаро ҳамкорлик ва дустлик, юксак кадриятларга мухаббат ғоялари замонамиз кишилари учун айниқса аҳамиятлидир.

Миллий Истиклол ғояларидан бири комил инсон ғоясидир ва у ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳият касб этган, ҳамиша одамзодни тараққиётга етаклаган.

«Комил инсон деб ёзади юртбошимиз И.Каримов. – озод шахс, эркин фикр қилувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз ватанига халол хизмат қилувчи кишидир»<sup>1</sup>

Ана шундай комил инсонлардан бири миллий адабиётимиз, маънавиятимиз тарихида ёркин из қолдирган Озод Шарафиддинов эди. У киши ҳам таржимон, ҳам адабиётшунос, ҳам танқидчи, ҳам олим, ҳам мурабий эдилар! Мен шахсан суҳбатларида бўлганман, ҳамма асарларини, мақола, тақризларини, китобларини ўқишга ҳаракат қиламан, Телевидениядаги чиқишларини ҳозиргача қолдирмай кўраман. Хар бир чиқишларидан олам-олам сабоқ оламан.

<sup>1</sup> Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.  
Т.: 2001й. 131 - бет.

Озод Шарафиддиновни билганлар эътироф этганларидек, домла хақиқатпараст бўлганлар, жаҳолатга, кўр-кўроналикка, адолатсизликка зинхор рози бўлолмас экан. Бу ҳақда улар шундай ёзган, «Одамлар адолат ва хақиқат устувор бўлган, зўравонлик, порахўрликка, ватан фурушликка эҳтиёж қолдирилмаган, инсоф ва диёнат, мухаббат ва мурувват байроғи мағрур хилпираб турадиган жамият қуриш мумкин ва зарур»<sup>1</sup>

Озод Шарафиддинов редакторлик маҳоратини четлаб ўтиш мумкин эмас. Ҳукуматимиз томонидан «Жаҳон адабиёти» журналинини ташкил этиб, уни бошқаришни Озод акадай зукко олимга топширилди. Бу журнал орқали биз жаҳон адабиёти дурдоналари билан танишамиз. Домла умрининг охиригача журнал ишларини бошқардилар. Олимнинг сунги йилларда бажарган илмий – ижодий ишларини бутун бир жамоа ҳам уддалаши осон бўлмаса керак. Шундай ҳолда ҳам домла ўз ишларидан каноатланиб қолмади. Доимо изланишда бўлди.

Устоз буюк аждодлар ишидан фахрланиш билан чекланиш кифоя қилмайди, уларнинг ишдаги ютуқларини янгиликлар билан бойитиб бориш зарур, деб ҳисоблар эдилар. Бунинг эътирофларини шундай ифодаганлар: «Ўтмишимиздаги шон-шухрат, муваффақият ва порвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шухратга шухрат қушиб турмаса, эски. Ютуқлар каторини янгиларини билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади.

Бадиий асарнинг туб моҳияти, сир - асрорини англаш, тушуниб ҳис қилиш ва таҳлил жараёнида уни кунгилга маъқул келадиган тарзда тушунтириш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун юксак салоҳият зарур. Салоҳиятли олимнинг бадиий – эстетик олами бошқалардан ажралиб туради; талкинлари, таҳлил, портрет, эссе, танқид ва баҳолашлари холис илмий мезонларга асосланади. Олим ҳар доим янги бошланган асарга нисбатан энг тўғри сўзни айтган; муайян бир адабий воқелик ёки ижодкор шахсини баҳолашда ҳам, энг муносиб илмий баҳо берган. Устозда фикр

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Давондаги уйлар. Т.: 2004 й. 21 - бет.

эркин қўйилади, ўртага ташланган адабий – илмий муаммо жаҳон адабиётшунослиги доирасида текширилади, шунда аллақандай сунъий адабий – назарий қолиплар парчаланиб ҳам кетади.

«Қайта истеъдод, - деб ёзган эди сеvimли ёзувчимиз Ў.Хошимов, аввал халқ эътиборини, кейин халқ мухаббатини ва нихоят халқ эътиқодини қозонади. Аслида мана шу уч босқичнинг ҳар бири бир умрга тенг»<sup>1</sup>

Озод Шарафиддинов мана шу уч босқични эгаллаган шахс. Озод Шарафиддиновнинг публицистик ижоди ранг-баранг бўлиб, унинг салмоқли қисмини портретнавислик ташкил этади. Адабий портрет ҳозирги публицистикамизнинг муҳим соҳаларидан ҳисобланади. Ўзбек адабиётининг кўпчилик намоёндалари ҳақида портретлар яратилган. Хўш, портрет ўзи нима? Адабиётшунослик терминлари лугатида унинг икки хил тури келтирилади.<sup>2</sup>

Портрет францўзча сўз бўлиб, тасвир деган маънони англатади. Адабий асарда кишининг ташки қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзининг тутиши ва х.к. тасвири. Бажиий асардаги портретнинг характери ва вазифалари ранг-баранг булади. Бирок портретнинг энг муҳим характери унинг кўпроқ психологик портрет бўлишидир. Психологик портрет ёзувчига персонажнинг ташки қиёфаси орқали унинг рухий дунёсини очишга ёрдам беради. Шунинг учун айтиш мумкинки, портрет ёзувчининг шахсий услуби, маҳорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда турли даражада берилиши мумкин.

Портрет образ яратишнинг муҳим шартларидан биридир.

Айрим ёзувчи, шоир, атоқли жамоат арбоби, санъаткор ёки олимнинг хаёти ва фаолияти ҳақидаги асар. Ўзбек адабиётида ҳамда, Ойбек, А.Каххор, Ғ.Ғулом каби шоир ва ёзувчилар ҳақида М.Кушжонов, Л.Қаюмов О.Шарафиддинов, Х.Абдусаматовлар яратган портретлар мавжуд. Портрет жанри ёзувчининг характери, шахсиятини ўзига хослигини ва ижодий қиёфасини ҳаққоний гавдалантиришга хизмат қилади. Бундай асарлар

<sup>1</sup> Адабиёт – рухият. Адабиётларимизнинг ижод сирлари ҳақидаги дурдона фикрлардан Т.: 2000й. 82 – бет.

<sup>2</sup> Хотамов И. Саримсаков Б. Адабиётшунослик терминлари русча-ўзбекча изоҳли лугати. Т.: 1979й. 238 – бет.

орасида О.Шарафиддинов портретлари, ўзининг ёрқинлиги, мазмундорлиги, ҳаққонийлиги ва санъаткорана ёзилганлиги билан ажралиб туради. О.Шарафиддиновнинг адабий портретларида ҳозирги ўзбек публицистикасининг, хусусан, портретнавислиги ривожининг энг яхши фазилатларини кўриш мумкин.

Буни йирик танқидчи, адабиётшунос олим, профессор С.Содик алоҳида таъкидлаб ўтади: «Адабий портрет жанрининг равнакига». О.Шарафиддинов улкан ҳисса қўшди. Унинг «Яловбардорлари» (1974) китоби ўн беш улкан ёзувчининг ёрқин қиёфасини гавдалантирди. Муаллиф «Яловбардорлар»даги адабий портретларни «биографик очерклар» деб деб атади. Аммо уларда бирор адибнинг ижоди тўғрисида сўз бошлар экан унинг босиб ўтган йули учун ҳар жихатдан характерли асарлари танлаб олинади, шу асосда санъаткорнинг ижодий йули, шу тадрижи, ўзига хос ёзувчилик дунёси, қайтарилмас услуби, қисқаси, бетакрор қиёфаси, адабиёт таракқиётида тутган ўрни кўрсатиб берилди. Булар эса адабий портрет жанрининг асосий хусусиятлари ва талабларига мос келади.<sup>1</sup>

Бу парчадан қуриниб турибдики, Озод Шарафиддинов «Биографик очерк» деган асарларни профессор С.Содик адабий портрет жанрига мансуб деб ёзади. Дарҳақиқат, юқорида портрет асосларини айтганда, бу портрет жанри хусусиятларини ўзида акс эттирганини айтиш билан биз ҳам санжар Содик фикрларини маъқўллаймиз.

Озод Шарафиддинов адабий портрет жанрининг ранг-баранг қуринишларида, хусусан, портрет учун эскизлар, кичик портретлар адабиётимизнинг йирик намаёндалари хақидаги танқидий-биографик очерклар, ёзувчи ижодининг муайян босқичига бағишланган мақолалар, адиб ижодининг муштарак хусусиятларини руёбга чиқарувчи асарлар ҳамда санъаткор фаолиятини мукамал ёритиб берувчи турларида калам тебратган.

Олим ўзининг кичик портретларида ёзувчи ижодига хос бўлган асосий нукталарнигина ёритиб беришга интилади. Унинг А.Орипов ижодининг

<sup>1</sup> Санжар Содик. Ижиднинг уттиз лаҳзаси. Т.: 2005й. 206-207 – бетлар

мухим хусусиятларини ёритишга бағишланган «шеърят - қалб ёлкини» мақоласи портрет жанрининг ёркин намунаси ҳисобланади.

О.Шарафиддинов ўзи чуқур ҳурмат қилган ёзувчи шоирларимиз ҳақида чуқур мазмунли портретлар яратган. Ана шундай портретлар жамланган китобларининг бир «Истеъдод жилолари»<sup>1</sup> ҳисобланади.

## **1.2. «Истеъдод жилолари» нинг адабий танқид жараёнидаги эстетик хусусиятлари.**

«Ёркин бўлмок истагидаги  
хар қандай одам қонуннинг  
қули бўлмоғи керак»

**Цицерон.**

О.Шарафиддинов муайян қолипга сиғмайдиган тарзда ўзига хос фикрлайдиган бутун шахс эди. Лекин бу дегани у жамиятнинг тутумларига риоя этмас эди, дегани эмас, аксинга Рим нотиғи Цицерон айтганидай, «қонуннинг қули» эди, аммо эркин фикрларди.

Олимнинг «Истеъдод жилолари» асари ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан етти нафарининг адабий портретидан ташкил топган. Бу портретлардан иккитаси академик шоир Ғофур Ғуломга бағишланади. қолганларида Ойбек, Комил Яшин, Садриддин Айний, Абдулла Каххор, Асқад Мухто, Одил Ёқубовларнинг ижодий йули ёритилади. Бу китоб ҳақида эълон қилинган тақризларда икки хил қараш илгари сурилади. Биринчиси истеъдодли танқидчи, профессор А.Расулов бўлиб, тўпламдаги мақолаларнинг барчасини портрет жанрининг намуналари дейди<sup>2</sup>.

Ҳурматли устозимиз, профессор Санжар Содик бунга шубҳа билан қарайди. Олим ёзади: «Агар ўша мақолаларнинг моҳиятига чуқурроқ қарилса барчасини бир хилда тўлақонли портретлар деб айтиш қийинлиги аён бўлади. Жумладан китоб «Чуққи» мақоласи билан очилган бўлиб, унда

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Т.: 1976й.

<sup>2</sup> Расулов А. Етти адабий портрет «Шарк – Юлдузи» журналы 1977й. №6. 228-230 – бетлар.

адабиётимиз равнақига катта хисса қушган шухратини жахон микёсига олиб чиққан шоир Ғофур Ғулом ижоди устида мулоҳаза тортилади»<sup>1</sup> деб давом этиб «шоир асарларига оид айрим мулоҳазаларининг ўзи мақолани тўлақонли портрет жанри намунаси деб ҳисоблаш учун етарли бўлмаса керак»? деган хулосага келади.

Хар иккала олим ҳам ўзларича ҳақ. Бизнингча мукамал адабий портрет таркибида тақриз, шарҳ, баҳс сингари шаклларни фарқлаш кийин эмас. Ижодкор адабий жараёнга таъсир этиш–тақризлар, шарҳлар, мақола ёзиш, баҳсга киришиш суҳбатлар куриш билан бирга йирик жанрдаги асарининг пойдеворини куриб боради. Шу маънода бу китобдаги мақолалар портрет жанри даражасига кўтарилган. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, портрет ёзувчининг шахсий услуби, махорати ва мақсадига боғлиқ ҳолда берилиши мумкин. Масалан китоб «Чуққи» мақола – эскизи билан бошланади. Унда Ғофур Ғулом ижодига оид далиллар деярли тўла айтилади. Ундаги оханг бирлиги, бутунлиги диққатни жалб этади. Кейинги мақола «Дарёдил шоир» деб номланиб у ҳам Ғофур Ғуломнинг ижодига бағишланади. «Чўққи» га Ғофур Ғуломнинг санъаткор сифатидаги қиёфаси чиқилган бўлса, кейинги мақолада шоир қиёфасига ранг берилади, унинг инсоний жозибаси, сахий қалби, одамларга нисбатан меҳр-мухаббати акс эттирилади. Иккала мақола бир-бирини ўзаро тўлдиради. Ғофур Ғулом ҳақида кўп мақолалар ёзилган. Лекин уларда Ғофур Ғуломнинг мукамал портрети яратилмаган эди. Озод Шарафиддинов портретга шундай чизиклар тортиши лозим эдики, токи улар шоир ижодининг далилларини уюштирсин, портретга ранг-жозоба киритсин.

Муаллиф Ғофур Ғулом портретини XX асрдаги бетакрор санъаткорлардан бири сифатида яратмоқчи булади. С.Н.Мамажонов, В.Назаров, Н.Каромовлардан фаркли равишда шоир характерининг жамланишини, ижодий биография-сини XX аср хусусияти, ЎЗБЕК халқининг тарихи билан боғлиқликда кўрсатади: «Ғофур Ғулом» махорати шундаки,

<sup>1</sup> Санжар Содик. Ижиднинг уттиз лаҳзаси. Адабий танкидий мақолалар. Т.: 2005й. 206-207 – бетлар.

хажмон унча катта булмаган шеърда икки даврни бир-бирига так-колаган ва уларнинг мохиятини кабарик манзараларда, такрорланмас рангларда очиб бера олган... мазмуни, ғоявий йўналиши, бадий қиммати жихатидан «Кўзатиш»га яқин турадиган шеъри «Соғиниш»дир. Унда умумлашган ота образи туради.<sup>1</sup>

Китобдаги портретлар ўзига хос махорат билан ёзилган. Айти пайтда мана шу портретларда бу санъаткорларнинг борлиқ мохияти, шахс сифатидаги такрорланмас қиёфаси акс этган. О.Шарафиддинов портрет жанри талабларига жиддий риоя қилган. Портретларнинг етакчи фазилати яхлитлик, бир-бутунлик, бадийликка интилишида кўзга ташланади. Ундаги яхлитлик шундан иборатки, олимнинг асосий материали - санъаткорнинг асосларидир. У портретларда санъаткор асарларини саралаб, энг етуқларини тахлил қилади. Мухими, у хар бир адиб портретига ўз диди, талаблари, савиясидан келиб чиқиб ёндашади. «Ёзувчи буёқлардан фойдаланишда мохир рассомдек иш тутиши керак, - деб ёзади. О.Шарафиддинов «Истеъдод жилолари» портретида Рассом қорни тасвирлар экан, ҳеч қачон соф оқ буёқни ишлатмайди, белигача «қорамтир ёки кўкимтир, ранглардан аралаштиради деб эстетик жихатдан баҳо беради.

Ёзувчи ҳам рассом кўзига эга булиши, рассомдек бир рангни қирққа бўлиб, шундан энг зарурини топиб ишлатиши керак»

Бу талаблар портрет «чиқаётган» танқидчининг ўзига ҳам таалуқли О.Шарафиддинов ҳисси образли услубда фикрлайдиган Танқидчи бўлганлигидан «бир рангни қирққа бўлиб шундан энг зарурини топиб ишлатишга», сўзга бефарқ карамасликка у образли ифодаларга, тасвирда ўз «мени» етакчилик қилишга интилади. Китобдаги барча портретларда чуққи, довон образи қўлланилади. Унда асарлари тахлил қилинган адибларнинг чинакам истеъдоди чуққи ёки довондек кўзга аниқ ташланади. Муаллиф Ғофур Ғулом шахси, унинг одамийлиги, улуғворлиги хақида гапирар экан, ўз авлодига Ғофур Ғулом шеърятини қанчалик кучли таъсир кўрсатганлиги

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Истеъдод жилолари. Т.: 1997й. 13 – бет.

хакида шундай ёзади: Ғофур Ғулом деган ном менга тенгкур авлод қонига сут билан бирга, кирган. Бизнинг танглаймизни Ғофур Ғулом шеъри билан кўтаришган. Менга тенгкур авлоднинг рухий оламини, маънавий дунёсини Ғофур Ғуломсиз тасаввур этиш мушкул. Ғофур Ғулом булмаганида бу олам анчагина гариб, кемтик буларди».

Яна бир уринда: «Ғофур Ғуломнинг истеъдоди кўп киррали эди. У ўз қалбининг бойликларини сахийлик билан ҳамма жанрларда китобхонга улашарди. У шеъриятда қандай чўққиларга кўтарилган бўлса, ўзбек насрини бойитишда ҳам шундай чўққиларга кутарилди». (9-бет) деб ёзади. Хиссий-образли услубдаги муаллифнинг «мени» ўқувчига ёрқин кўриниб туради. Асардаги «мен» нинг қиммати, обриси унинг фикр доираси теранлиги билан белгиланади. Муаллиф тайёр қилиб илмий хулосаларни баён этмайди. У маълум санъаткор ижодига боғлиқ муаммолар устида кенг тухталади, илмий жихатдан чуқур, изчил таҳлил воситасида умумлашма хулоса чиқаришга интилади. Масалан, Ойбек хақидаги мақолада буюк санъаткорнинг шеърияти, насрий асарларидан асосий нукталарга тухталгандан кейингина олим Ойбекнинг илмий - танқидий фаолияти хақида фикр юритади. ўқувчига олим Ойбекнинг дадиллиги, биринчи бўлиб жиддий муаммоларга қўл урганлигини аниқ мисоллар билан кўрсатиб беради. Муаллиф Ойбекнинг танқидий асарлари умумбоқийлигини таъминлаган омилларни шундай белгилайди: «менимча, бундай олимлар иккита: биринчидан, Ойбек ҳеч қайси мақоласида хон йулини танламади, қуруқ тавсифийлик ёки баёнчилик методига амал қилмади, унинг ҳар бир мақоласи тинимсиз изланувчи фикр асосига қурилган. Унинг илмий асарлари доимо муаммоли характерга эга. Ойбек адабиётнинг энг мураккаб масалаларини қўйишдан, ҳал қилишдан чучимади... Ойбекнинг илмий асарларидаги навқиронликни, умрбоқийликни таъминланган иккинчи омил шундаки, ҳар бир мақолада кўзга кўринмаган ҳолда авторнинг шахси мавжуд. Биз уларда

тадқиқотчининг синчков тафаккуригина эмас, санъаткорнинг қайно қалбини ҳам хис киламиз»<sup>1</sup>

Ойбекнинг танқидий асарлари муносабати билан айтилган бу фикрда Танқидчиликнинг бош масаласи кўрсатиб берилган. Ойбек танқидни фан, изланиш деб билганлиги учун унинг танқидий асарлари ҳамон навкирондир.

Тўпلامда ижодкор услубига хос хусусиятлар аниқ сезилади. Ойбек Танқидчилик майдонига кириб келганида кўп муаммолар хали ўзининг илмий ечимини кутарди. Шунинг учун ҳам у ҳеч иккиланмасдан кўпгина масалаларни хал этишга киришди. Ойбек ҳар бир масалага фалсафий нуқтаи назардан ёндашарди «Унинг услубида фалсафийлик масалаларни ички алоқадорликда хал қилиш етакчи эди. О.Шарафиддинов ҳар бир масала илдизига теран назар ташлашини тасаввуф масаласидаги қарашлари орқали исботлайди: «Ойбек бу масалани текширар экан, тасаввуфнинг чиқиб келишини Пметин, Евлих, Прокм каби антик дунё файласуфларининг неоплотонизм таълимоти билан боғлайди. Шуниси ажойибки, Ойбек неоплотонистлар фалсафасининг асосий нуқталарини ҳам тахлил қилади» (63 – бет).

«Ойбек тасаввуф таъсирини кайд қилиш билан чекланмайди, балки бу ходисанинг мохиятини очишга, тасаввуф билан адабиёт ўртасидаги алоқанинг ички мурувватларини тушунишга интилади. Бу эса уни тасаввуфнинг гнесологик илдизларини тадқиқ қилишга ундайди. (62 – бет)

Ўзбек адабиётини улкан ёзувчи Абдулла Каххорсиз тасаввур этиб бўлмайди. Адабиётшунослигимизда А.Каххор ҳақида кўплаб ёзилган. М.Кушжонов, У.Норматов, Х.Абдусаматов, И.Гофуров, Р.Кучкоров каби адабиётшуносларнинг илмий асарларида ёзувчи ижоди тахлил қилинади. Ҳар бир ижодкорнинг ўз йўналиши, услуби булади. О.Шарафиддинов ҳам Абдулла Каххор портретини яратади. У «Истеъдод жилолари» деб аталади. Портрет хажми катта эмас, лекин у ерда айтилган фикр «катта» аввало портретнинг қурилмаси мураккаб. Муаллиф бир ўринда А.Каххор

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. «Истеъдод жилолари» Т.: «Шарк» 1996й. 66-68 – бетлар.

асарларининг яратилиш тарихи хакида гапирса, бир ўринда адабиётда кулгининг ўрни хакида, яна бир жойда истеъдоднинг намоён бўлиши, уни кимга хизмат қилиши хусусида, яна бир жойда ёзувчи меҳнати тўғрисида сўзлаётган булади. Ўз қарашларини далиллаш учун рус адабиётининг билимдонлари, В.Т.Белинский, Леонид Ленч, К.Симонов фикрларига мурожаат қилади. Бу борада биз ҳам домладан кўп ўқиш сирларини ўрганамиз. Шу ўринда адабиётшунос олим А.Расулов фикрларини келтириш ўринли:

«Истеъдод жилолари» ни ўқир экансиз, ундаги фикрлар туйғулар ижодкор яратган асарлар доирасидан четга чиқиб кетади. Сиз адабиётнинг сеҳрли кучини англагандай бўласиз, бадиий ижод деб аталган дунёга кириб олиш осон эмаслигини тушунасиз, сўз деб аталган қуролдан мохирлик билан фойдаланиб бир-бирига ўхшамайдиган жонли одамлар характери яратилаётганлигини кўриб қуванасиз. Аммо бу бир ёзувчи ижодига нисбатан мухаббатнинг ифодалаш эмас. Мақолада танқидчининг эстетик қоидалари: бадиий адабиётни тушуниш идеалидаги санъаткор тимсолини яратишга интилиши, ниҳоят унинг фикрларини англаб етадиган китобхонни ўз ёнида кўриш истаги англашилади. Биз учун китобхон билан қадамма-қадам юрадиган танқидни эмас, балки анча илгарилаб кетган... мунаққид қимматлидир<sup>1</sup>

Маълумки, портрет сўзи чизиқлар ўзаро уланиб кетишидан пайдо бўлган. Муаллиф А.Каххор портретини яратишда асосий чизиқни тортар экан, адабиётнинг халқ учун яшашини, жамиятга хизмат қилишини кўрсатиб бермоқчи бўлади. Истеъдод – инсоннинг ноёб бойлиги. Бу бойлик халққа хизмат қилсагина хақиқий баҳосига эга бўлади. О.Шарафиддинов ўзининг қатор мақолаларида истеъдод деган тушунча, унинг мохияти хакида гапиради. «Талант–халқ мулки, Талантнинг мукамал руёбга чиқишдан, бутун халқ бахраманд булади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Расулов А. Истеъдод ва этикод. Т.: 2000й. 74 - бет

<sup>2</sup> Шарафиддинов О. Талант халқ мулки. Тошкент. 1979й. 65-бет

О.Шарафиддинов махоратининг яна бир кирраси О.Генрининг «Шафтоли» хикояси билан А.Қаххорнинг «Анор» хикояларини таққослашда кўринади. Муаллиф рус адабиётини яхши билади, яхши кўзатади. Бу икки хикоя ўртасида ўхшашлик борлигини, «йирик рус адабиётшуноси В.В.Смирнова биринчи бўлиб қайд этган» экан. Танқидчи масаланинг моҳиятига чуқурроқ кириб боради. «Шафтоли» хикояси қахрамони боксер Мак Террини хотини инжиқликдан, тантиқликдан шафтоли ейман, дейди. Уни ўқиймизу мийиғимизда кулиб қўя қоламиз. «Анор» бутунлай бошқа эканини муаллиф махорат билан очиб беради. Туробжоннинг хотини эркаликдан эмас, бошқоронғиликдан анор сўрайди. Туробжон кўли калталиги учун анор олиб беролмайди. Биз ҳам воқеадан Туробжоннинг хотини каби «камбағаллик курсин» деган хулосага келамиз. Шу хулосага мунаққид усталик билан йўналтиради.

«Анор» деб ёзади – домла, «Шафтоли»дан фаркли ўларок, бизни ларзага солади, виждонимизни уйғотади, қалбимизда адолат туйғусини кўзгайди, А.Қаххор О.Генриники сингари хаёт материални олиб, униқидан батамом фарқ қилувчи хулоса чиқаради. Бу хулоса чуқурроқ, ижтимоий йўналиши аниқроқ, ҳаққонийроқ» «Истеъдод жилолари»да муаллиф санъаткорнинг ижодий лабораториясига кириб боради, бадиий ижоднинг «ички» кўзга кўринмас томонларини кенг ёритади. Унда А.Қаххорнинг характер яратиш махорати, асар устида ишлаши. Тилни ранг – баранг, сермазмун килишдаги захматкашлиги истеъдоднинг сатирага мойиллиги сингари масалалар хақида фикр юритилади. Муаллиф А.Қаххор лабораторияси «сирларини» очар экан, рус адабиётидаги йирик сўз санъаткорларининг ижодий тажрибаларидан кўп мисоллар келтиради. Бу портретдаги асосий чизиқлардан бири ёзувчининг хажвчи сифатида истеъдоди, махоратини очишга қаратилган. Инсонни табиий ҳолатдан ажратиш – кулдириш, йиғлатиш мушкул иш. Ҳақиқий санъаткоргина инсон қалбига таъсир этиши мумкин. О.Шарафиддинов санъаткорнинг сўз танлаш махорати хақида чуқур фикр юритади. Муаллиф шундай характерли фикр

келтиради: 1959 йилда масквада ўзбек адабиётининг декадаси вақтида сатирик ёзувчи Леонид Ленч «Туйда аза» хикояси хақида шундай деган эди:

«Одамнинг ўлими хақида кулгили қилиб ёзиш жуда қийин иш. Бу факат Чеховнинг кўлидан келарди. Факат францўзлар бунинг уддасидан чиқарди. Хозир бизда буни эплейдиган ёзувчи камдан – кам топилади. Буни каранки, А.Қаххор шундай қийин ишни жуда бемалол бажарибди»

Орадан беш йил утгач, йирик рус адабиётшуноси В.В.Смирнова «Замонавий портрет» деган китобида «ўғри», «Анор», «Майиз емаган хотин» каби хикоялар хақида гапириб, уларни «жахон хикоячилигининг энг яхши намуналари билан бир каторга қўйса булади», -деб ёзди. (188-бет)

Сўз жуда ужар нарса. Унга бефарқ қарасанг, ҳамма рангини намоён қилмасликка уринади. Унинг ҳамма рангини намоён қилмасликка уринади. Сўзни тежаб ишлатишини домла ибратли мисолларда очиб беради.

Масалан, «Кампир тонг қоронғусида ҳамир қилгани туриб хўкизидан хукизидан хабар олди. О!... хўкиз йўқ ... Дехконнинг уйи куйса куйсин, хўкизи йуқолмасин. Бир қоп сомон, ун-ун бешта хода, бир арава қамиш, хукиз топиш учун неча замонлар қозонни сувга ташлаб куйиш керак булади».

Энди шу парчанинг бирор жойига бирорта сўз, ўхшатиш, эпитет ёки жумла қушиб кўринг-чи. Қушолмайсиз, мабодо қўшсангиз, улар буқоққа ўхшаб, кўзга ташланиб туради, парчанинг ички табиий оқимини бўзади. (147-бет)

«Истеъдод жилолари» да турт авлод вакили бўлган санъаткорларнинг портрети чизилади. Шулардан бири Садриддин Айний бўлиб, у адабиётимиз хазинасига бой хаётий тажриба билан кириб келган, янги адабиёт бешигини тебратиб, унинг улгайишига хисса қушган дастлабки авлод вакили бўлса, Ойбек, Ғафур Ғулом, Комил Яшин, Абдулла Қаххор, Ҳамид Олимжонлар авлоди зиммасига янада мураккаброк вазифалар юкланди. «Бутун мамлакат буйлаб маънавий кайта туғилиш жараёни бошланган эди. Бундай шароитда халқ ўз қалбини мохир таржимонларига курашда кучга куч қўшишига қодир

бўлган оташзабон жарчиларга мухтож эди. Бу тарихий миссияни бажариш Ойбеклар авлодининг зиммасига тушди»<sup>1</sup>

Ойбеклар авлодининг истеъдодли вакилларида бири Комил Яшин адабиётимизнинг йирик арбобига айланди.

«Саркор» деб номланган ижодий портретда Комил Яшин қарашлари, асарлари таҳлил қилинади. Муаллиф Комил Яшиннинг эстетик принципларини белгилаган шеърлар драммаларининг тематикаси, қаҳрамонлари ҳақида атрофлича фикр юритади. Маълумки, Комил Яшин Шуро даврида яшаб ижод этди. Уша давр маданиятини барпо этишда буюк хизматлари сингган арбоблардан бири. Яшин домла салкам эллик йиллик ижодий фаоллияти давомида ҳамиша адабиётимизнинг ғоявий софлиги, халқчилиги, бадиий баркамоллиги учун курашди. Ўз ижоди билан Ватанимиз раҳнақига раҳнақ қўшди. О.Шарафиддинов адабиёт барча ижтимоий тўзумда ҳам халқига хизмат қилишини, у доимо халқ манфаатини уйлашни Яшин ижоди мисолида маҳорат билан очиқ беради. Яшиннинг шеърий асарлари, драммалари, мақолалари бир-бир таҳлил қилинади. Охири академик даражасига етгунча қадар бўлган ижодий йулни китобхон кўз унгида гавдалантиради: Комил Яшиннинг ҳаёти ва ижодий йули анча мазмундор хароратини жонажон халқига бағишлагани ватанпарвар ёзувчининг йулидир

---

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. Т. 1996 й. «Шарк» 52-бет

**II БОБ. Мустақиллик давридаги яратилган ижодий портретлар (Чўлпон, О.Хожиева, Б.Бойқобилов, Х.Шариповлар портрети. «Ижодни англаш бахти», «Истеъдод жилолари» китобларининг киёсий тахлили асосида)**

2. 1. Жажжи портретларда ижодкорнинг эстетик киёфаси.

Озод Шарафуддинов адабиёт, адабий танқид майдонига мустабид тўзумнинг сиёсий бухронлари авж олган бир пайтда кириб келганини куриб ўтдик. Домланинг уша даврда яратган адабий портретлари адабий жараённи янгича англаш, идрок ва талқин этишнинг эркин намуналаридир.

Мустақиллик йилларида ҳам адибнинг публицистик асарлари янада теран ват улик холда эълон қилина бошлади. Мустабид тўзум адабий сиёсати, яккахоким мафкура, соцеализм акидалари босими табиёки адибнинг ижодида ўз изини қолдирди. Бунинг учун «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?», «Чўлпонни англаш» рисолаларини эшлаш кифоя.<sup>1</sup>

Чўлпон шахсини ва унинг ижодини адабиётга киритиш учун О.Шарафуддинов уттиз йил давомида кураш олиб борди. Факат Чўлпон масаласида эмас, замонавий адабий жараён бобидаги курашлирда, бахсу мунозараларда охир-оқибат ҳақиқани юзага чиқарган. Танқидчилар орасида биринчи бўлиб «Буюк хизматлари учун» орден ива «Ўзбекистон қахрамони» унвони билан тақдирланиши фикримиз далилидир.

О.Шарафуддинов зиёли инсон сифатида адабиётимиз орқали кўпларни зиёга етаклади. Ана шундай «Зиёкор» китоблардан бири «Ижодни англаш бахти» деб номланади.<sup>2</sup> Китоб олти қисман иборат бўлиб, олтинчи қисмида «Жажжи портретлар, ихчам тақризлар» деб номланади. Асосий эътиборни шу қисмга қаратдик. Ушбу қисмда мустақиллик йилларида яратилган портретлар жой олган. Китобдаги портретларни «Истеъдод жилолари» даги портретлардан асосий фарқи, бунда кўпрок хотира тарзида берилган, ижодкорнинг хотиралари кўпроқ тасвирланади. «Ижодни англаш бахти»га

<sup>1</sup> Дустқораев Б. Чўлпон ва танқид. «УзАС»газетаси 2005 йил 25 ноябр.

<sup>2</sup> Шарафуддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.Шарк 2004.

хос Яна бир фазилат шуки, у бирор адибнинг ижодий тақдири ёки алоҳида асари хакида бахс юритар экан, муаллифнинг фикр-мулоҳазалари фақат шу адиб, шу асарларгина оид бўлиб қолмасдан, миллий адабиёт ривожига муҳим, жиддий ходиса тамойиллар моҳиятини очишга қаратилади. Бундан олдин биз О.Ёкубов хакидаги «Ижод довлари ила» адабий портрети хакида ёзилган жажжи портрет берилган.<sup>1</sup>

XX асрнинг 60 йилларида бадий маҳорат масалалари, асарнинг шакли, тимсолларига эътибор ортиши адабиётшуносликда секин-аста эстетик талкин томон юз бурилаётганлигидан далолат беради. Ўша ўзгаришларни ёзувчи Абдулла Қаххор ўз пайтида айтиб ўтганлиги ҳам ёдимизда. Бадий маҳорат чиройли иборалар, чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ёки кайғули ҳолатлар таниш эмас, халққа айтадиган зарур сўзимизни китобхоннинг қалбига олиб кирадиган образлар яратиш демакдир. Ёзувчининг халққа айтадиган гапи нақадар кучли булиши керак деган фикрнинг ёки адабиётшунос олима Х.Содиқова келтириб утади.<sup>2</sup>

О.Шарафуддинов ўзок йиллар мобайнида О.Ёкубов ижоди устидан кўзатишлар олиб бориш, алоҳида асарлари юзасидан тақризлар эълон қилиш натижасида унинг Янги портретини яратиш даражасига етиб келди. Хусусан, танқидчи «Ижод довлари била» портретига қадар ёзувчи асарлари юзасидан «Олма гуллаганда», «Қурашчан авлод», «Инсон севгига мухтож», «Қадр хакида қисса» сингари кўзатиш қарашлар, хулосалару умумлашмалар такомиллашиб ва етилиб келган. Энг муҳими уларда эстетик таҳлил унсурлари мақоладан мақолага ортиб борган.

«Қадр хакида қисса» тақриси танқидчининг О.Ёкубов портретини яратиш йулидаги изланишларда эстетик таҳлил унсурлари кўпайиб, такомиллашган. Олимнинг «Қурашчан авлод» асарида хали социологик ва эстетик таҳлил аломатларини ёнма-ён кўзатишлари мумкин. Худи шу мақола бадий асарлардан нафосат кидириш, танқидчи ижодининг етакчи

<sup>1</sup> Шарафуддинов О. «Қайдасан Мореко?» Ижодни англаш бахти туплами. Т. Шақр. 2004 й. 586-63 бетлар.

<sup>2</sup> Содиқова Х. Портретларда ёзувчи киёфаси. Жаҳон адабиёти журнали, 2004 й. август сонли 159-бет.

тамойилларидан бирига айлана бошлаганлиги Яна шунда кўринадики, кейинчалик О.Шарафуддинов ўз китобларидан бирини «Гўзаллик излаб» деб айтади. Тажрибалар тупланиб, шу асосда 2002 йилда «Кайдасан Морико?» яратилди. Бу китоб «қиссалар», «пьесалар», «хикоялар», «этюдлар», «маколлалар» деган булимдардан иборат бўлиб, бир жихатдан танланган асарларга ухшаб кетади. Бунда адибнинг илк асарлари ҳам жой олган. Масалан, «Мукаддас» қиссаси. О.Шарафуддинов бу қиссада портрет яратаркан. Янгича замон рухи билан фикр юритибянгича карашларини ифодалайди. Қисса нимаси билан миглаб китобхонларни ром этган эди? Бунинг сири шундаки, деб таъкидлайди ёзувчи, қисса ўша кезларда анча кенг тарқалган қолиплардан чекиниб инсон ҳаётининг азалги қадриятларини, инсонни инсон қиладиган мезонларни улуғлаб ёзилганди. Мунаққид, мана шу «мезон» бугун ҳам улуғланиши зарурлигини уқтиради.

О.Шарафуддинов «Кайдасан Морико?» қиссаси О.Ёкубовнинг борган сари эски қолиплардан қутулиб, ички эркинлик касб этиб бораётганидан далолат беришини таъкидлаб кўрсатади. Қисса мавзу жихатидан янги асар эканлиги ҳам айтилади. Маълумки, шуро замонида ҳар хил, соғлом мантиқдан холи бўлган, шу туфайли баъзан одамларни қийнаб қўядиган тартиб қоидалар кўп бўларди. Мана шуларни ижодкор қандай ўз асарида ифода этганини танқидчи назаридан четда қолмайди.

Демак, «Кайдасан, Морико?» адабий портрети О.Шарафуддиновнинг О.Ёкубов ижоди устида ўзок йиллар кузатишлар олиб бориш, ижодий мулоқотлар натижасида майдонга келган.

О.Шарафуддинов портретнавислик маҳоратини «Чўлпон» рисоласида аниқ намоён бўлганлигида кўриш мумкин. Адибнинг Чўлпоншуносликка қўшган ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаш лозим.

Бу асар Чўлпоннинг танқидчиликда яратилган биринчи адабий портрети бўлиб, муаллифнинг мазкур санъаткор ижодини халққа қайтариш

йулида чекан чексиз захматлари ва буюк хизматлари самараси сифатида дунёга келди.<sup>1</sup>

Бу билан адабиётшуносликда Янги бир йўналиш – Чўлпоншуносликка асос солинди.<sup>2</sup> Домланинг саъй-харакатлари билан Чўлпоннинг «Адабиёт надур» туплами, уч жилддик танланган асарлари китобхонларга етиб борди. Чўлпон шахси, бу санъаткорнинг нафис шеърляти, бетакрор насри, юксак савиядаги таржималари, мулохазалар билан битилган адабий, бадий мақолалари О.Шарафуддинов буюк хизматлари эвазига юзага чикди. «Чўлпонни англаш» асари оркали О.Шарафуддинов Чўлпоннинг буюк санъаткор, махоратли таржимон ва бошқа хусусиятларини очиб берган. Китобда муаллиф ўз олдига Чўлпон ижодини халққа қайтариш, кутлуг номини ва адабиётдаги ўрнини тиклаш мақсадини қўяди.<sup>3</sup>

Биринчидан, О.Шарафуддинов Чўлпоннинг ноҳақ катағон қурбони бўлганлигини, «халқ душмани» деган тамға асоссиз эканлигини далиллар асосида очиб беради. Шу билан бирга «миллатчи» ва «миллатпарварлик» орасидаги фарқ атрофида қизиқарли мулохазалар келтиради.

Иккинчидан, адибнинг ижоди тикланишини ва буюк истеъдод сохиби бўлганлигини исботлайди.

Олимнинг аниклашича, ўзок вақтлар мобайнида хатто Чўлпоннинг тугилган йили ҳам халққа аниқ бўлмай қолган. Сон саноксиз архив материалларини ўрганиш, Чўлпоннинг ўз қўли билан ёзилган хужжатларини ўрганиш ва топиш орқали шоир 1897 йилда туғилганлиги исботлаб берилди.

Адибнинг ижодий йулини ёртирар экан, мунаққид Чўлпоннинг заифгина насрий машкларидан буюк шоир даражасига кўтарилишидаги тадрижий ривожини кўз унгимизда яққол гавдалантирди.

О.Шарафуддиновнинг «Чўлпон» китоби унинг портретнавислик соҳасида эришган янги жиддий ютуқлари даражасига кўтарилди.

<sup>1</sup> Санжар Содик Жиллар жозибаси. «Матонат ва мухаббат» туплами. Т. 1999 й. 82-бет.

<sup>2</sup> Раҳманов Б. Узбек адабий танқидчилиги. Т. 2004 й. 208-бет.

<sup>3</sup> Дсутқораев Б. Чулпон ва танқид. УзАС 2005 й.

Англаниладики, қирқ йилдан ортиқ вақт мобайнида ижод билан шуғулланган О.Шарафуддинов бу соҳанинг адабий портретдек қийин жанрда энг улкан мувафакқиятларни қўлга киритган.

## 2.2. Шеърят ва адабий танқид

О.Шарафуддинов ижодида нафақат ёзувчиларга портрет балки шеърят оламидагиларга ҳам портретлар яратилган. «Ижодни англаш бахти» китобида «Меҳр толасидан эгилган шеърят» портретида севимли шоирамиз Ойдин Хожиева хақида сўз юритилади. Мукамаллик, мазмундорлик, образлилик ва таҳлилнинг чуқурлиги сингари фазилатлар бу портретларда яққол кўзга ташланади. «Ойдин Хожиева адабиётга кириб келган ва йилларнинг боши ва ўрталарида ижод соҳасида Янги кўтарилиш кўзатилмоқда эди», - деб ёзади мунаққид. Бу айниқса шеърят бобида яққол кўринади, гуё қандайдир қудратли куч шеърят булоқларининг кўзни тусиб ётган тўсиқларни кўтариб ташлагану, бу булоқлар навқирон бир жўшқинлик ила қайнаб тоша бошлаганди.<sup>1</sup>

О.Шарафуддинов ёзади: «У замонавий ўзбек шеърятига бухороча нафасини олиб кирди, унинг шеърлари ҳам бошқа шоирларнинг лирикаси каби инсонга, инсон дардлари ва севинчларига, хасратларига бағишланган, у ҳам инсон руҳиятининг ва биринчи навбатда, XX аср ўрталарида яшаган ўзбек аёлининг руҳияти манзараларини чизади. Лекин бу манзараларда бухороча тароват, бухороча ўзига хослик ва Ойдинхоннинг ўзига хос назокати ҳам сезилиб туради».<sup>2</sup>

О.Шарафуддинов шоиранинг «Илтижо» шеърини таҳлил қилади ва ундаги самимияти, теранлик билан бирга сатрлардаги сўз қўлланишига эътибор беради. О.Хожиева шоиралиқдан ташқари каттагина тажрибага эга публицист ва раҳбар ҳам. Шоиранинг бундай иқтидори «Панохим» китобига

<sup>1</sup> Ижодни англаш бахти. 616-бет

<sup>2</sup> О.Шарафуддинов Ижодни ангал бахти. Т.: Шарк 2004 й.617-бет.

кирган хикоя, очерк, публицистик мақолаларда яққол кўринишини мунаққид очиб беради.

Олим О.Хожиеванинг турли даврга оид шундай эхтиросга, кучли хаяжонга тула мулоҳаза юритади.

Муаллиф қайси ижодкор ижоди устида фикр юритмаси нобразли мулоҳазалар илгари суришга, мулоҳазаларни жонли ифодалашга интилади.

Образли тафаккур билан бир каторда танқидчи китобидаги портретларнинг аксариятида ҳар бир ижодкор ҳақида имкон борича Янги фикр айтишга ва ижодини ёки алоҳида асарларини янги таҳлил қилишга интилади.

О.Шарафудинов ҳақиқий санъаткорона ёзилган асарларини яхши баҳолаган ҳолда, «мағзи пуч» асарларга бешафқат ҳамдир. Олимнинг Б.Боқобиловга бағишланган ижодий портрети «Мағзи пуч сўзларан ташқари қоч» деб номланади.<sup>1</sup> Ушбу сарлавҳа Б.Бойқобиловнинг «Ўзбекнома» га аталган бўлиб, бу китобда катта умумлашма мавжуд. Буни мунаққиднинг ўзи ҳам таъкидлайди. «Биз бир шоирнинг бир асари ҳақида бахслашаётгандек кўринсак-да, аслида баҳс каттарок, жиддийроқ масала устида кетмоқда, гап чинакам санъат даражасидаги адабиётни яратиш, бинобарин, мустақил юртимизнинг мустақил адабиёти тўғрисида бормоқда».

Шу эзгу ниятни кўзлаган ҳолда О.Шарафуддинов асарда истиқлол даври адабиётида ниш ура бошлаган «маддохизм» иллатини кескин танқид қилади, бу ходисанинг адабиётга ёд эканлигини асослаб беради.

«Ўзбекнома» нинг ташқи безаклари, бетакрор зеб-зийнатнигина эмас, ҳажми ҳам катта бўлиб, унги минглаб мисрани ташкил этади. У етти фасл таркибидаги олтмишта нома, еттита дoston, сонеталар, манзумалар, бағишловлардан иборат.<sup>2</sup>

Куюнчаклик билан ёзилган ушбу портретда қуйидаги гаплар келтирилади: «Мен Яна шоирнинг бардошига қойил қолдим, мазкур

<sup>1</sup> О.Шарафуддинов Ижодни англаш баҳти. Т.: Шарк 2004. 604-бет.

<sup>2</sup> Б.Раҳмонов. Узбек адабиёти танқидчилига. Т.: 2004 й. 205-бет.

асарини «150 кун кечаю кунда ўзлуксиз ижодий меҳнат» килиб яратибди. Факат бир нарсани билолмай колдим – шу муддат давомида жиндай ухлаганмикан ёки асарни тезроқ тугатиш иштиёкида уйкуни тарк этиб, баъзан уйкусираб ҳам ёзаверганмикан? Хар холда Гиннес китобига ёзиб куйса арзийдиган жасорат бу».

Киноя билан келтирилган Ушбу фикрларда О.Шарафуддиновнинг адабиёт ухлмасдан ёзадиган шунчаки сўз эмаслигини исботлаб бера олган. О.Шарафуддинов Б.Бойқобилов портретининг жонли чиқишига алохида хисса кушган Яна бир чизикни тартади. Б.Бойқобиловни бошқа асарларини камситмаган холда «Ўзбекнома»да маддохликка берилганини очиб беради. Хар кандай бадиий асар ўзининг ички тўзилиши қонуниятига эга. Санъаткор шу қонуниятни топмагунча изланишни давом эттираверади. Қонуният топилмаса, асар қисмлар аро бирлик вужудга келмайди – характерлар боққа йўналса, композиция тоққа йўналади, сюжет билан ғоя йўналиши мос келмайди. Асар моҳиятидаги қонуният белгилангач, мослик, бутунлик, яхлитлик сезила бошлади. Манна шу ички таянч нуқта топилсагина санъаткор яратган асар бедий баркамоллик касб этади. «Ўзбекнома» ана шундай баркамолликка эриша олмаган асар эканлиги кўрсатиб ўтилади. Бу асар реализмми, романтизмми?... лекин Янги «изм»ни тилга олмоқчи эканман, буни адабиётшунослик атамалари бошқа кашфиёт қилмоқчи бўлиб айтаётганим йўқ. Мен айтмоқчи бўлган «изм» умуман йўқ нарса. Лекин бу ўринда шоир адабиёт бобида ҳам янги бир ижодий методга асос солди деб айтган булардим.бу моддахизм методидир» манна шу биргина парчанинг ўзи Б.Бойқобиловнинг хақиқий портретини «Ўзбекнома» қай даражада ёзилган эканини китобхонга ойдинлаштириб беради. О.Шарафуддинов анна шундай савиясиз асарларга лоқайд тура олмайдиган шахс эди.

«Ижодни англаш бахти» китобида бир хотира – портрет бор. Бу хар инсон бир мужиза» деб аталган. Бу портрет профессор С.Содикка бағишланган. О.Шарафуддинов Санжар Содикнинг сийратини ва сиймосини шундай тасвирлаб берганки, уни ёшлигидан бошлаб бугунги кунгача тахлил

этиб, образли портрет яратган. С.Содик адабий танқид жанрларини нозик хис этадиган, ёзаётган асарлари жанрини аниқ ифодалаб берадиган, ўзбек адабиёт равнақи учун курашадиган зукко шахслигини О.Шарафуддинов чизган портретда яққол намоён булишини кузатамиз.

Мукамаллик, мазмундорлик, образлилик ва тахлилнинг чуқурлиги каби фазилатлар китобдаги «Қуёшга ошиқ шоир» адабий портретида яққол кўзга ташланади. Унда шоир Хусниддин Шариповнинг адабий портрети яратилган. «Хипчагина, Кирабурун, хазил-мутойибага мойил, доим ўзига хос тарзда фикрлашга интиладиган йигит» деб таърифланган шоир чиндан ҳам шоирона табиатга эга эди. Кўп нарсаларга тасаввуфона тарзда беписанд қарар, табиатидаги зиндона хислатлар унга алланечук ўзига хослик бағишлаб турарди.

Домла ўзи мохир шахматчи эмасми, Х.Шариповнинг ҳам шахмат билимдони эканини алохида таъкидлайди. Маълумки, ўзбек адабиётида шеърый роман жанри кўп учрамайди. Бор, аммо санокли, О.Шарафуддинов шоирнинг шу жанрда муваффақият қозонганини «Бир савия»асари мисолида очиб беради. Роман бошдан оёқ драмматизмга бой ва хатто айрим саҳифалари чинакам фожиали рух билан суғорилганлигини тахлил қилади. «Мустақиллик йиллари Хусниддин учун янги ва янги илхом билан ижод қилиш йиллари булди, - деб ёзади олим, ба даврда унинг «Минг иккинчи кеча», «Қалтис юриш» дostonлариин нашр этди, «Инсофнома» драммасини яратди».

Демак, адибнинг замонавий адабий жараён, мустақиллик даври адабиётига бағишланган адабий уй, суҳбатларида, адабий портретларида ўткир бахсли муаммолар кўтарилади, бу масалалар хусусида ҳам фақат О.Шарафуддинов айтиши мумкин бўлган дадил гаплар айтилади. Бугунги адабиётнинг қахрамони ишбилармон бўлиши керак деяётган бир пайтда, домла сўз санъати учун қахрамоннинг хаётдаги мавкеи, касб-кори эмас, биринчи навбатда шахс жумбоғи, моҳияти, бадий талқини, бу борадаги ижодкорнинг янги гапи муҳимлигини таъкидлайди.

О.Шарафуддинов тинимсиз меҳнат натижасида ажойиб портретлар яратди. Лекин бу малакавий битирув иши хажмидан келиб чиқиб, О.Шарафуддинов ижодидаги портретлардан характерлисини, яъни шуру даврида яратилган «Истеъдод дилолари» китобини, мустақиллик даврида яратилган «Ижодни англаш бахти» китобининг олтинчи қисмидаги асарларини кўриб чиқдик.

О.Шарафуддинов адабиётшунослигимизда катта ўзгаришлар киритган буюк шахсдир. Унинг адабий танқидий фикрлари миллий танқидчилигимизда бурилиш ясади. Хусусан, Чўлпоннинг номини қайта тиклашда қилган улкан меҳнати самараси бугунги кунда қуринмоқда. Ундан ташқари А.Каххор, Максуд Шайхзода, Миртемир, А.Мухтор, О.Ёқубов, Ў.Хошимов адабиёт портретларини яратдики, йиллар даврида ижодларини кузатиб, таҳлил қилиб очиб берди.

Адабий танқидчи одатда яхши танқидий асарни яратиш учун поғонани баланд кўйиши лозим. Бунинг учун танқидчининг салоҳияти қучли, ўткир тафаккурга эга, фикрлаши теран ва зукко, эътиборли шахс бўлмоғи лозим. О.Шарафуддинов ана шундай хусусиятларга эга шахс эди. Шу боис ҳар бир яратган портретига жиддий ва ҳар тарафлама эътибор бериб, синчковлик нуқтаи назаридан қараб таҳлил этган. 1974 йилда яратилган «Яловбардорлар» китобида ўн беш улкан ёзувчининг эркин қиёфаси гавдалантирилди. Бу асарларда ҳам портретнавис О.Шарафуддинов билимли, талабчанлиги, уқуви ва маҳорати аниқ кўриниб туради.

О.Шарафуддиновнинг портретнависликдаги улкан маҳоратини у яратган портретларидан билишимиз мумкин, чунки олим ҳар бир фикрни, гапни шундай баён этадики, ўқувчи кўз олдида шахс гавдаланади. Шу билан бирга ҳар қандай камчилик ва муаммо аниқ ўртага ташланиб атрофида мулоҳаза юритилади. Буни «Ўзбекнома»га берилган таърифларда ҳам кўриб ўтдик.

## Х У Л О С А

Ўзбек халқи ва унинг забардаст вакиллари илм-фаннинг турли соҳаларини ривожлантириш, жаҳон маданияти хазинасини бойтадиган бадиий кашфиётлар яратишда муносиб хисса қўшдилар.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқиди асрлар давомида ранг-баранг жанрларда бадиий ижоднинг энг муҳим масалалардан баҳс этади, унда мазмун ва шакл бирлиги, ғоявийлик ва бадиийлик, унинг ижтимоий вазифаси ва инсонни шакллантиришдаги мавқеидан сўз юритди, замонавий адабий жараёни жон сўзлик билан кузатишни ўз зиммасига олди. Шулардан бири забардаст олим ва танқидчи, адабиёт билимдони, устоз ва муаллим Озод Шарафуддинов бўлиб, ушбу малакавий битирув ишда олимнинг кўп қиррали ижодининг бир бўлаги бўлиш портрет яратиш маҳоратини кўриб чиқдик. Иш жараёнида олимнинг ижодидан кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қилдим, Яна кўп нарсани ўрганишим мумкинлигини англаб етдим.

Озод Шарафуддинов яратган портретларни ўрганиш, айримларини киёслаш бизга қуйидагича умумлаштирувчи хулосалар чиқариш имконини берди:

1. О.Шарафуддинов ўзбек адабиёти танқидчилиги тарихида ибрат намунасига айланган ижодкор шахс.
2. Асримиз бошларида бошқа жанрлар катори, портрет жанри ҳам сифат жихатидан ўсди. Унинг намуналарини О.Шарафуддинов, А.Каюмов, П.Шермухамедов, А.Расулов каби ижодкорлар яратдилар.
3. Олимнинг «Ижодни англаш баҳти» китобига кирган «жажжи портретлар» мустақиллик даври мевларидир унда эстетик категориялар ўз аксини топган.
4. Бадиий маҳорат чиройли иборалар, чиройли ифодалар, антиқа воқеалар, кулгили ёки кайғули ҳолатлар топиш эмас, халққа айтадиган зарур сўзни эстетиканинг асосий катигорияси кулгилилик ва фожиавийлик катигориялари орқали баён қилинган.

5. Шуро даврида яратилган катор асарлар ичида олим ва танқидчининг «Истеъдод жилолари» асаридаги портретлар тасвирнинг аниқ ва хаётийлиги, чуқурлиги билан ажралиб туради.
6. Олим машхур ижодкорлар характерини очиб беришга портрет жанрининг куринишларидан махорат билан фойдаланганини эътироф этамиз. Чуқур илмий тахлил, ташки тасвир, характерлар мантиғидан келиб чиккан тасвир, хотиралар тарзидаги тасаввур ва хоказо.
7. О.Шарафуддинов адабиётимизда бадий баркамол асарларни олқишлаган холда «магзн пуч» асарларга нисбатан «бешафкат».
8. О.Шарафуддинов муайян ёзувчи ижоди хакида мукаммал ва муфассал асар яратишда ката санъаткорликка эришганини «Истеъдод жилолари» дан то «Ижодни англаш бахти» китобигача бўлган бир катор асарларида исботлаб берди.

О.Шарафуддинов адабий портретларини ўрганар эканмиз, унинг нақадар кенг ва теран билимга эга эканлигига амин бўлдик. Домла кўп сохада хайратга солувчи билим ва маълумотга эгаки, унинг асарларини ўқиган, ўрганган одам домла хазиналар кони деган хулосага келади ва қайта-қайта адибни ўрганишга харакат қилади. Харакат килгани сари янги қирраларини очиб боради.

## Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р Р У Й Х А Т И

### I. Расмий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.:Ўзбекистон, 2003.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. Т.:Шарқ, 1999.
3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгиланиш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Т.:Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.
6. И.А.Каримов – Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. Тафаккур журнали, 1998 й. №2.
7. И.А.Каримов – Маънавий юксалиш йулида. Т.1998 й.
8. И.А.Каримов – Ўзбекистон ХХI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. Т. 1997 й.
9. Б.Дустқораев – Ҳазинабон. «Матонат ва муҳаббат» туплами.Т.1999 й.

### II. Умумий адабиётлар:

1. Библиографик курсаткич. О. Шарафиддинов «Ўзбекистон», 2005й
2. Шарафиддинов. О «Замондошлар хотирасида» - «Ўзбекистон»,2007
3. Шарафиддинов О. Истеъдод жилolari. Т., 1976
4. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т., 2004
5. Шарафиддинов О. Давондаги уйлар. Т.: 2004 й.
6. Шарафиддинов О. Талант халқ мулки. Тошкент. 1979й.
7. У.Норматов – Талант тарбияси. Т.2000 й.
8. А.Расулов – Етти адабий портрет. «Шарқ юлдўзи» 1997 й.№ 6.
9. А.Расулов – Истеъдод ва эътикод. Т.2000 й.
- 10.С.Содиқов – Ижоднинг уттиз лахзаси. Т.2005 й.

11. Б.Рахманов – Ўзбек адабий танқидчилиги. Т.2004 й.
12. С.Умиров – Муъжизага меҳр. «Гулистон» 1980 й.№5.
13. М.Кушжонов – Хаёт ва кахрамон. Т.1979 й.
14. М.Кушжонов – Дийдор. Т.2004 й.
15. Д.Курононов – истиқлол дарди. Т.2000 й.
16. И.Гофуров – Дил эркинлиги. Т. 1998 й.
17. У.Ҳамдамов – Бадиий тафаккур тарихи. Т.2002 й.
18. Б.Назаров – Танқидчи жозибаси. «Ўзбек тили ва дабиёти» 1979 й.№ 3.
19. «Жаҳон адабиёти» 2007 й. №10.
20. «Жаҳон адабиёти» 2007 й. июн.
21. Ўзбек адабиёти тарихи. I-V жилдлар. Т.: Фан, 1978-1980
22. Шер А. Ахлоқшунослик. Ўқув кўлланма. Т.: Янги аср авлоди, 2003
23. Расулов А. Истеъдод ва эътикод. Т., 2000;
24. Рахмонов Б. Узбек адабий танқидчилиги. Т., 2004.
25. Норматов У. Ярим аср хамнафас, Уз АС. 15 ноябрь 2005й;
26. Дустқораев Б. Чулпон ва танқид, Уз АС 25 ноябрь, 2005й;
27. Ҳазинабон, «Матонат ва муҳаббат» тупламида.
28. Содиков Санжар, Жиллар жозибаси. Ижоднинг уттиз лаҳзаси тупламида. Т., 2005 й
29. Умиров С. Мужизага меҳр «Гулистон» журнали, 1980, №5;
30. Хошимов У. Аллома. «Матонат ва муҳаббат» туплами. Т., 1999,
31. Орипов А. Шоирқалб олим, уша туплам.
32. Мирпулат Мирзо. Беназир устоз. Уз АС. 16 декабрь 2005 й;
33. Мамажонов С. Кайнок муҳаббат, юксак эътикод. «Шарк юлдузи», 1979й, № 4;
34. Шермухаммедов П. Танқиднинг жозоба сири. «Шарк юлдузи», 1979й, №4;